

Дилдора Аҳмедова

ГУЛБОҒДАГИ БОЛАЛИК

Шеърлар

**«Наманган» нашриёти
2006**

84(54)6-5 Бадиий адабиёт
Шеърлар

Дилдора АҲМЕДОВА Наманган саноат касб-хунар коллежи талабаси. Шу билан бирга бир неча йилдан бери вилоят коллежлар бошқармаси муассислигида чоп этилаётган «Маҳорат мактаби» газетаси қошида ташкил этилган «Иқтидор» тўғарагининг фаол қатнашчиси.

Шеър ёзишни у мактаб партасидан бошлаган. Кейинги йилларда унинг илк машқлари «Бегойим», «Дилкаш», «Маҳорат мактаби», «Аёл ва жамият», «Камолот» газеталарида чоп этилмоқда.

Бугун ҳукмингизга ҳавола этилаётган «Гулбоғдаги болалик» тўпламига унинг кейинги йилларда ёзган шеърларидан сараланди. Албатта, катта шоира бўлиш учун эса меҳнат, ўқиш-ўрганиш талаб қилинади. Бу йўлда Дилдорага омад тилаймиз.

Оташ ХОЛМИРЗАЕВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг «Маҳорат мактаби» газетаси қошидаги «Иқтидор» ҳаваскор ижодкорлар тўғараги раҳбари.

НГ 524-11464,67-121450 2006
525-0,75-(03)-06

2006 5814	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MI
--------------	--

32021
091

ВАТАН

Ватан –

томирдаги қон.

Юрак уриши,

кўзимнинг қароси – гавҳари, ишон.

Тоғу тошлар, дала қирнинг туриши.

Сени қуёш десам,

хай-хай.

У ҳам ботади оқшам,

Шунчалик буюкки,

бай-бай,

У ўтар куним, бахтим тўла жом.

У қумлоқ, чексиз чўлу қир,

Мева – чеваларга тўлиб тошган бог.

У минг йиллик тарих,

очилмаган сир,

Фалакни елкада тутиб турган тоғ.



О Т А М Г А

*Отарзон, бахтимга бўлингиз омон,
Бахтиёр яшанг сиз қувонч қомида.
Сизни ардоқласин бу улуг замон,
Асалу боллари тўлсин жомидо.*

*Сиз ҳикмат паноҳи, баланд тоғимсиз,
Ҳовлимиз кўркига қўйилган ҳайкал.
Ота, сизсиз кўкармас боғимиз,
Номингиз биз учун ҳамиша зарҳал.*

*Сиз бизга сўянчиқ, онам таянчи,
Келажак кунимга берасиз фатво.
Сиз бирла тўлиқдир ҳаёт қувончи,
Номингиз улуглар ҳаттоки сабо.*

*Бошимни силайсиз сўйиб, эркалаб,
Дуолар қиласиз умримни тилаб.
Дилдора отимни тиллардан қўймай,
Ҳамиша яшайсиз менга бахт тилаб.*

ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ

Қизил олма мисоли қизаради юзлари,
Сўзлаганда муҳаббатдан ял-ял кўзлари.
Барчамизга ёқар бирдай ширин-шакар
сўзлари,
Бу дунёнинг тенги йўқдир ўзбегимнинг
қизлари.

Оро билан қадам босса эшилади беллари,
Меҳнат қилса тиним билмас, мисли
олтин қўллари.
Гўё қуёш кўзни олар – боғларимиз гуллари,
Дилни олган сабо асли ўзбегимнинг
қизлари.

Улар элим суйганидир, мен ҳам улар
фидоси,
Ўн саккизда гуркирайди, дилда севги
садоси.
Шеър битаман, улар учун бу – Дилдора
нидоси,
Ўтга солган наво асли ўзбегимнинг

МЕНИНГ АКАМ

*Алп қомати ярашади ўзларига,
Ҳарбий кийим оро берар юзларига.
Шукур қилар элнинг нону тузларига,
Ўзбекистон аскаридир менинг акам.*

*Юртимизни қўриқлайди ҳушёр туриб,
Тун уйқусин тарк этади, йўлда юриб.
Аскарликнинг нонин ейди даврон суриб,
Ўзбекистон зобитидир менинг акам.*

*Ота – она дилбанди-ю, кўзу қоши,
У постдадир, оқмас асло элин ёши.
Улугланар бир умрга сабр тоши,
Ўзбекистон дилбандидир менинг акам!*

Д Е Х Қ О Н И М

Қуёшда қорайган юзларинг сенинг,

*Олқиш олганингда осмонда бошинг,
Меҳнат жабҳалари синар бардошинг.
Жуда ҳам ҳалолдир топганинг ошинг,
Дехқоним, сен ўзга, ўзгача ўзинг!*

*Одилсан бир умр гина қилмайсан,
Ғанимлар сўзига қулоқ солмайсан.
Эл ғами йўлида четда турмайсан,
Дехқоним, сен ўзга, ўзгача ўзинг!*

А Ё Л

*Уйқусиз тунларда кезасан шаҳар,
Тинимсиз қиласан дунёга сафар.
Аёллик хуснингдан қолмаган асар,
Бугун сен эрмисан, ёрмисан аёл?!*

*Кунларга улайсан бедор кунларинг,
Бировга айтмайсан асло сирларинг.
Сўлишиб қолибди уйда гулларинг,
Бугун сен эрмисан, ёрмисан аёл?*

*Тинимсиз чопасан рўзгор ғамида,
Тўлғониб ёнасан унинг камидан.
Фарқинг қолмагандир туннинг шамидан,
Бугун сен эрмисан, ёрмисан аёл?*

МУҲАББАТНИНГ ЙЎЛЛАРИ ОЛОВ

*Бунча гўзал ул алвон гуллар,
Қул чўзгандим кирди тикони.
Ҳижрон ўти ёндирди тунлар,
Ўтга солди унинг армони.*

*Орзуларим ўрайди чирмов,
Ўзоқларга олиб кетади.
Муҳаббатнинг йўллари олов,
Ҳар сония мактуб битади.*

МУСТАҚИЛСАН ЖОНАЖОН ДИЁР

*Богларингда чаман бўлиб, очилибди
гулларинг,
Ой – юлдузга тўлиб-тошди, ҳатто кеча-
тунларинг.
Эл қўшиғи жаранглайди, равон жуда
йўлларинг,
Мустақилсан она юртим, суюгимсан
диёрим,
Ифтихорим, истиқболим буюгимсан
диёрим.*

Мирзо Бобур жаҳон кезди, қўмсаб юртин
тонгини,
Амир Темури юксалтирди, пешлаб халқин
онгини.
Машраб кезди машрабона бошлаб ақл
жангини,
Мустақилсан она юртим, суюгимсан,
диёрим,
Ифтихорим, истиқболим буюгимсан,
диёрим.

Оналарим айтди алла, болам улуг бўлсин
деб,
Бу жаҳонда ўзбек номи, улуглансин,
қулсин деб.
Широқ каби Ватан учун мардим бўлиб
турсин деб,
Мустақилсан она юртим, суюгимсан,
диёрим.
Ифтихорим, истиқболим буюгимсан,
диёрим.

Ҳеч кимдан биз кам эмасмиз, буюкларнинг
юрти бу,
Ақл-идрок бобида ҳам турким мангу
бўлган қув.

Сероб жуда дастурхоним, тоғларидан
оқар сув,
Мустақилсан она юртим, суюгимсан,
диёрим,
Ифтихорим, истиқболим буюгимсан,
диёрим.

Қоракўл ва газу нефти оллоҳ берган бир
ҳиммат,
Пахта, пилла, мевалари, эл яратган ноз-
неъмат.
Йигит-қизи ҳалол жуда, юртга қилар кўп
хизмат,
Мустақилсан она юртим, суюгимсан,
диёрим.
Ифтихорим, истиқболим буюгимсан,
диёрим.

Билим ол деб тайёр турар, қанча ўқув-
кошона,
Алломаляр яратгани азизликдан нишона.
Қадимийдир Аҳсикентим, Намангану
Фаргона,
Мустақилсан она юртим, суюгимсан,
диёрим.
Ифтихорим, истиқболим буюгимсан,
диёрим.

Омон бўлгин, она халқим, дунё узра бўл
маёқ,
Эришамиз зафарларга бўлса бизда
иштиёқ.
Дилдора ҳам шеър битади – қайнаётган
бир булок,
Мустақилсан она юртим, суюгимсан
диёрим,
Ифтихорим, истиқболим буюгимсан
диёрим.

ДУНЁ АЙЛАНАР ...

Дарё каби жўш уради,
Бу дунёнинг ишлари.
Мавж уради, мавж уради,
Ҳато ёзу қишлари.

Айланади ер шаридек,
Яхшига бахт улашар.
Ёмонларчи ёмонликдан
Девор каби қулашар.

Ёмон кетар, дўзах сари,
Яхши жаннат пойида.
Қунар бўлса тиним билмай,
Чопар гиркўк тойида.

*Ўтиб кетар умр қургур,
Иягида сақоли.
Кампирларнинг тишлари йўқ,
Бўлар чолнинг тўқоли.*

*Қайтиб келмас ёшлик они,
Умр тинмай айланар.
Биз ёшликни қумсаб роса,
Дил торлари бойланар.*

БАҲОРОЙИМ

*Севинчларим кўксимдаги овунчоғим,
Кўклам гули бирла келди гулбаҳорим.
Чиройига мафтун ўзим, сайрар торим,
Ҳаётимнинг ўй-бошчиси Баҳоройим.*

*Тогларининг чўққисида қор эрийди,
Сувлар тошиб ариқлару борлар эрир.
Кўзим олган оқ, қизилу борлар эрир,
Лолалардан кўйлак кийган Баҳоройим!*

*Қозонида сумалаклар қайнаб турар,
Шўх қизларнинг икки кўзи ўйнаб турар.
Момолари дoston айтиб кўйлаб турар,
Қувончларга тўлиб келган Баҳоройим!*

*Йигит-қизлар кўзларида ўту олов,
Талпинишар бир-бирига қилиб синов.
Йигламасдан қўйди бугун тонгдан
тарнов,
Муҳаббатга тўлиб келган Баҳоройим!*

*Сен азизсан, она юртим меҳмонисан,
Мустақил юрт қучогида достонимсан.
Дилдорага мангу зангор осмонимсан,
Ўн саккизга кириб келган Баҳоройим!*

МАРД ЙИГИТЛАР ҚЎЛИДА

*Ёлгон гапу сўз билан
Юрагимни эзасиз.
Қачон, айтинг, ҳой йигит,
Севганимни сезасиз.*

*Билмам қайси осмонда,
Ўзингизни кўрасиз.
Гердаясиз мунча ҳам,
Ой, қуёшда юрасиз.*

Чўздим сизга қўлимни,
Парво қилмай ўтдингиз.
Мажнунтолнинг тагида,
Айтинг кимни кутасиз.

Муддаодир не ўзи,
Сахроларга элтасиз.
Ёндирасиз оташда,
Парво қилмай кетасиз.

Сиз дарахтнинг шоҳисиз,
Менчи бўлдим барглари.
Сизни севиб юракдан,
Ортди қанча дардларим.

Юрагингиз тошмиди,
Асло қиё боқмайсиз.
Баҳор келса чўққимга,
Бойчечаклар тақмайсиз.

*Кўзларимга боқинг сиз,
Таратмоқда нурини.
Кўз –кўзлабон бир умр,
Муҳаббатнинг дурини.*

*Севги мангу соф бўлсин,
Асло ёлгон бўлмасин.
Лайли каби севгидан,
Инсон зовол топмасин.*

*Ёлгонларни ёт билинг,
Яшанг Раҳмон йўлида.
Ўлсам ўлай майлига,
Мард йигитнинг қўлида.*

Б И З Я Ш А Я П М И З ...

*Умр оқар экан сувдек югирик,
Қираоқлардан тошиб, оқади шошиб.
Не орзу тилаклар юракда жўшиб,
Биз ўтиб борамиз дарёдек тошиб.*

*Кимга рост сўзладинг, кимгадир ёлгон,
Кимнидир севдигу ким бўлди армон.
Кимгадир дард бўлдик, кимларга дармон,
Биз ўтиб борамиз, мисоли карвон.*

*Ҳаёт чашмасидан симириб, ичиб,
Ҳатто гам-аламни ичларга ютиб.
Қувончли онларни ҳамиша қутиб,
Биз ўтиб борамиз ёмондан қочиб.*

*Ёшлик ўйин дедик, ўйнадик кулдик,
Ҳаётни биз оддий бир нарвон дедик.
Аслида бизлар ҳам бир карвон эдик,
Биз ўтиб борамиз мисоли кийик.*



КОЛЛЕЖЛАР МАДҲИ

Кўшиқ


*Билим богин бустони,
Илму ҳунар достони.
Сенла нурли осмоним,
Коллежим сен, коллежим!*

Нақорат

*Мадҳинг айтай дилимдан,
Сен жой олдинг кўнглимдан.
Ҳунар олмоқ ишимиз,
Мадҳинг айтай дилимдан.*

*Бизлар ватан ўғлони,
Керак бўлса сарбони.
Бизла қолмас армони,
Коллежим сен, коллежим.*

*Ўзбекистон буюк юрт,
Бир умрга қадри бут.
Биз ёшларчи сенга қут,
Коллежимсан, коллежим.*



*Омон бўлсин халқимиз,
Ўйлар доим бахтимиз.
Яхши ўқиш аҳдимиз,
Коллежимсан, коллежим.*

Н Е У Ч У Н ?

*Не учун ҳар бир қуш ўз жуфтини излар,
Не учун фалакдан учирар тошин.
Нега муҳаббатнинг ҳижрони ила,
Негадир туюлмай қолади бошин.*

*Не учун инсонлар ўзини дейди,
Нега севгисини оловга солар.
Фақат фарзандининг гамини ейди,
Болам деб тун бирла гам ила ёнар?*

*Бўлганни кўролмас кимсалар ҳам бор,
Йиқилсанг суянчиқ бўлолмас асло.
Ҳаётда афсуски ганимлар кўпдир,
Не учун ёмонлик туюлмас даво?*

*Жавоб тополмайин хастадир кўнглим,
Азоб, гурбатлардан ёниб кетади.
Дилдора шеърларин ухламай тўплар,
Ажабо, бу ҳаёт дардин битади.*

ХОЛАЖОНИМ

Замира холамга

*Уйимизнинг тўридаги гул-лоласиз,
Сиз ҳаётим боғидаги дурдонасиз.
Бир умрга фарзандларга парвонасиз,
Холажоним ҳаёт гўзал, сиз бўлсангиз!*

*Билим ол деб мактаб сари чорладингиз,
Ҳовлимизда сиз қуёшдек порладингиз.
Меҳнат бирла элдан четда қолмадингиз,
Холажоним ҳаёт гўзал, сиз бўлсангиз!*

*Мен-чи асло меҳрингизга қонолмадим,
Байрамларда кўнглингизни ололмадим.
Сиздан ҳолу аҳволингиз сўролмадим,
Холажоним ҳаёт гўзал, сиз бўлсангиз!*

*Онам дея юзингиздан ўпганим бор,
Бир умрга бошда сизни тутганим бор.
Дилдораман шеърга сизни битганим бор,
Холажоним ҳаёт гўзал, сиз бўлсангиз!*

ГУЛБОҒДАГИ БОЛАЛИК

*Кўз ёш тўкманг ўзингизни бу дунёда хор
қилиб,*

*Ўзгалардан паноҳ сўрманг, бу дунёни
тор қилиб.*

*Меҳнат қилинг, чарчаш билмай, йўқни
доим бор қилиб,*

*Гулбоғдаги болалигим, сени жуда
согиндим!*

*Шўхликларим таронаси, қулогимда
жаранглар,*

*Қучогида алвон гуллар, мунча гўзал
қаранглар.*

*Ўтар дунё ўтаётир, ўтди қанча
суронлар,*

*Гулбоғдаги болалигим, сени жуда
согиндим!*

Ким ҳам севмас, бу дунёда болаликнинг
богини,

Қумсаб доим ўтар кунлар, лола терган
тогини.

Ўтар ёшлик, қумсайманей, ёшлигим бог-
рогини,

Гулбоғдаги болалигим, сени жуда
согиндим!

Шошма ёшлик, сенда менинг сирли-сирли
гапим бор,

Ватан учун қилай хизмат, элга доим
нафим бор.

Мустақил юрт бахтли қизи, Дилдорадек
отим бор,

Гулбоғдаги болалигим, сени жуда
согиндим!



Ғ И Й Б А Т Ч И

Маҳаллада гап-сўз қайнар, қушдек
қанот қоқади,
Шивир-шивир, гивир-гивир гапга балдоқ
тақади.

Ёмон гап-сўз айтинг ростин, кимларга
ҳам ёқади,
Ғийбатчи ҳар томонга гапни тахлаб
чопади.

Қайнаган сўз – «Вақ-Вақи»дан қизнинг
бағри қон бўлди,
Миш-мишлардан қулоқ битар, жуда
ёмон он бўлди.

Учқур гапга бу онларчи, жуда катта
шон бўлди,
Ғийбатчилар қоронғида гийбатчини
топади.

МУНДАРИЖА

Ватан	3
Отамга	4
Ўзбегим қизлари	5
Менинг акам	6
Дехқоним	6
Аёл	7
Муҳаббатнинг йўллари олов	8
Мустақилсан жонажон диёр	8
Дунё айланар	11
Баҳоройим	12
Мард йигитлар қўлида	13
Биз яшаяпмиз	15
Коллежлар мадҳи	17
Не учун?	18
Ҳолажоним	19
Гулбоғдаги болалик	20
Ғийбатчи	22

Дилдора АҲМЕДОВА

Адабий – бадиий нашр

Гулбоғдаги болалик

Шеърлар

Муҳаррир: Мусо АҚМАЛ

Тех.муҳаррир: Ғ. МУЛЛАБОЕВ

Мусахҳиҳ: С. ЯҲЁЕВ

Саҳифаловчи: Д. ДАВЛАТҚУЛОВ

Теришга берилди 09.03.2006 й., босишга руҳсат
этилди 23.03.2006 й. Газета қоғозига офсет
усулида босилди, бичими 60x84 1/32. Ҳажми
0,75 босма табоқ. Адади 500 нусха, буюртма №
242. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,
А. Навоий кўчаси, 32-уй, 3-қават.

«Чуст босмахонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри,
Сўфизода кўчаси, 8-уй.